

БМТ Мьянмадаги мусулмонлар тақдирдан хавотирда




13:30 / 17.01.2019 2482

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг расмий сайтида Мьяманинг Аракан минтақасида истиқомат қиладиган мусулмонларга қарши яна қайтадан бошланган ҳарбий босимлардан хавотирда эканини маълум қилган. Бу ҳақда IQNA хабар берди.

Хабарга кўра, юзага келган беқарор вазият ҳудудда гуманитар инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Маълумки, йил бошида Мьянма ҳукумати 30 апрелгача ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни ва музокаралар олиб борилишини эълон қилган эди. Бироқ сўнгги кунлардаги ҳолат вазият янада кескинлашганидан далолат бермоқда, деб ёзади ташкилот баёнотида. БМТ матбуот котибининг таъкидлашича, ташкилотни Ракхайн вилоятидаги мусулмонлар истиқомат қиладиган қишлоқларга

кириш йўллари тўсиб қўйилгани ташвишга солмоқда. Ўз навбатида, ташкилот расмий ҳукуматдан ушбу ҳудудларга гуманитар ёрдам олиб кириш учун йўл очиб бериш зарурлигини талаб қилмоқда.

Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти